



ХУДУДЛАРНИ ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНТИРИШДА МАҲАЛЛИЙ БОШҚАРУВНИНГ КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ: ЎЗБЕКИСТОННИНГ ҲУҚУҚИЙ, ИҚТИСОДИЙ ВА МАДАНИЙ ОМИЛЛАРИ АСОСИДА

Даврон Машарипович Бекчанов

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси доценти

Аннотация: Мақолада ҳудудларни иқтисодий ривожлантиришда маҳаллий бошқарувнинг коррупцияга қарши курашиш тизими Ўзбекистоннинг ҳуқуқий тартиботи, иқтисодий рағбатлари ва миллий қадриятлари нуқтаи назаридан таҳлил қилинади. Коррупция маҳаллий даражада ресурслар тақсимоли, давлат харидлари, ер ажратилиши ва инвестиция қарорлари самарадорлигини пасайтириши асосланади. Халқаро адабиётлар ва миллий қонунчиликка таянган ҳолда ҳуқуқий қатъийлик, рақамли шаффофлик, манфаатлар тўқнашувини бошқариш, маҳалла ва жамоатчилик назорати ҳамда ҳалоллик муҳитини кучайтириш бўйича амалий таклифлар ишлаб чиқилади.

Калит сўзлар: маҳаллий бошқарув, коррупцияга қарши курашиш, ҳудудий иқтисодий ривожланиш, маҳалла, ҳалоллик, манфаатлар тўқнашуви, шаффофлик, жамоатчилик назорати.

Аннотация: В статье исследуется совершенствование антикоррупционной системы местного управления в целях развития региональной экономики с учетом правовой среды Узбекистана, экономических стимулов и национальных ценностей. Обосновывается, что коррупция на местном уровне снижает эффективность распределения ресурсов, государственных закупок, земельных решений и инвестиционных проектов. На основе международных исследований и национального законодательства предлагаются меры по усилению правовой жесткости, цифровой прозрачности, регулированию конфликта интересов, общественному и махаллинскому контролю, а также формированию среды честности.

Ключевые слова: местное управление, противодействие коррупции, региональное экономическое развитие, махалля, добропорядочность, конфликт интересов, прозрачность, общественный контроль.

Annotation: The article examines how to improve the anti-corruption system of local governance for regional economic development in the context of Uzbekistan's legal framework, economic incentives, and social values. It argues that local corruption weakens resource allocation, procurement, land administration, and investment decisions. Based on international literature and national legislation, the paper develops practical proposals focused on legal enforcement, digital transparency, conflict-of-



interest regulation, public and mahalla oversight, and the strengthening of an integrity-based governance culture.

Keywords: *local governance, anti-corruption, regional economic development, mahalla, integrity, conflict of interest, transparency, public oversight.*

Коррупция ҳудудий иқтисодий ривожланишни секинлаштирувчи энг муҳим институционал тўсиқлардан бири ҳисобланади. У маҳаллий даражада бюджет маблағларини тақсимлаш, ер участкаларини ажратиш, давлат харидлари, қурилиш ва руҳсат бериш жараёнларида норасмий таъсир каналларини кучайтиради, натижада ресурслар самарасиз йўналтирилади, рақобат муҳити бузилади ва аҳоли ҳамда бизнеснинг маҳаллий ҳокимиятга ишончи пасаяди [7; 8]. Шу жиҳатдан коррупцияга қарши курашиш масаласи фақат ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар вазифаси эмас, балки ҳудудларни иқтисодий ривожлантириш сифатини белгилайдиган бошқарув масаласидир.

Ўзбекистонда мазкур йўналиш учун муҳим ҳуқуқий пойдевор шаклланган. «Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида»ги Қонун коррупцияга қарши сиёсатнинг умумий ҳуқуқий асосларини белгилаб берди [9]. 2021 йилги ПФ-6257-сон Фармон давлат ва жамият бошқарувида коррупциявий омилларни кескин камайтириш, жамоатчилик иштирокини кучайтириш ва очиқликни таъминлашни устувор вазифа сифатида белгилади [10]. 2024 йилда қабул қилинган «Манфаатлар тўқнашуви тўғрисида»ги Қонун эса маҳаллий қарор қабул қилиш жараёнларида шахсий манфаатдорлик хавфини ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш учун янги асос яратди [11].

Шу билан бирга, маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органларини кучайтиришга қаратилган 2025 йилги ПФ-98-сон Фармон ҳамда Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари учун коррупцияга қарши курашишга оид услубий тавсиялар маҳаллий даражада ҳисобдорлик ва очиқликни институционаллаштиришга хизмат қилмоқда [15; 16]. Демак, миллий ҳуқуқий база анча шаклланган, аммо унинг иқтисодий ва маданий омиллар билан уйғун ишлаши ҳали ҳам долзарб вазифа бўлиб қолмоқда.

Халқаро илмий адабиётларда коррупция кўпинча фақат жазо ва назорат етишмаслиги натижаси сифатида эмас, балки ижтимоий норма ва маданий узатилиш ҳодисаси сифатида ҳам изоҳланади. Хаук ва Саэс-Марти коррупция авлоддан авлодга ўтадиган кадриятлар, қутилишлар ва ахлоқий таълим воситасида қайта ишлаб чиқарилиши мумкинлигини кўрсатиб, паст коррупцияли «яхши» ва юқори коррупцияли «ёмон» мувозанатлар ғоясини илгари сурган [1]. Бу ёндашув маҳаллий бошқарувда коррупцияни фақат жазони кучайтириш билан эмас, балки хизмат маданияти ва жамоавий қутилишларни ўзгартириш орқали ҳам пасайтириш мумкинлигини аниқлатади.



Барр ва Серра турли мамлакатлардан келган иштирокчилар иштирокидаги экспериментлар орқали коррупцион қарорлар маданий муҳит билан боғлиқ бўлишини кўрсатади [2]. Фисман ва Мигел эса дипломатик иммунитет шароитида ҳам миллий нормалар хулққа таъсир қилишини исботлаган [3]. Аббинк ва ҳаммуаллифлар «бошқалар ҳам шундай қилади» деган тасаввурнинг ўзи пора таклиф қилиш эҳтимолини оширишини аниқлаган [4]. Симпсер коррупцияга оид муносабатлар авлодлараро сақланиши мумкинлигини эмпирик жиҳатдан тасдиқлайди [5]. Куббе ва ҳаммуаллифлар эса коррупцияга қарши дастурларда ижтимоий нормаларни ҳисобга олмаслик уларнинг самарасини пасайтиришини таъкидлайди [6].

Ушбу тадқиқотлардан келиб чиқиб, маҳаллий бошқарувда коррупцияга қарши курашиш тизимини уч та ўзаро боғлиқ ўқ бўйича таҳлил қилиш мақсадга мувофиқ: ҳуқуқий омиллар, иқтисодий омиллар ва маданий омиллар. Айнан шу учликнинг мувозанати маҳаллий қарор қабул қилиш сифати, давлат хизматлари самарадорлиги ва ҳудудий иқтисодий ўсишга таъсир кўрсатади.

Ҳуқуқий жиҳатдан Ўзбекистонда коррупцияга қарши курашиш соҳасида сўнгги йилларда тизимли меъёрий базанинг шаклланиши кузатилади. «Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида»ги Қонунда коррупцияга қарши курашишнинг асосий принциплари, давлат сиёсатининг йўналишлари, профилактика ва жавобгарлик механизмлари белгиланган [9]. ПФ-6257-сон Фармонда коррупцияга қарши муросасиз муносабат муҳитини яратиш, коррупциявий омилларни камайтириш ҳамда очиқ электрон механизмларни жорий этиш вазифаси қўйилган [10].

«Манфаатлар тўқнашуви тўғрисида»ги Қонун маҳаллий бошқарув учун айниқса муҳим, чунки тендер, ер ажратиш, инвестиция лойиҳаларини танлаш, субсидия ва ижтимоий ёрдамни белгилаш жараёнларида қарор қабул қилувчи шахснинг шахсий манфаатдорлиги давлат манфаатига зид ҳолатларни келтириб чиқариши мумкин [11]. Давлат харидлари тўғрисидаги қонун ҳам шаффоф танлов, шикоят қилиш тартиби ва ноқонуний қарорларни бекор қилиш каби инструментлар орқали иқтисодий муносабатларни ҳуқуқий жиҳатдан соғломлаштиришга хизмат қилади [14].

Шунингдек, давлат органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисидаги қонун ва жамоатчилик назорати тўғрисидаги қонун маҳаллий даражада фуқаролар, оммавий ахборот воситалари ва фуқаролик жамияти институтларининг назорат салоҳиятини кучайтиришга қаратилган [12; 13]. 2025 йилда маҳаллий Кенгашларга оид қабул қилинган ҳужжатлар эса маҳаллий вакиллик органларини коррупцияга қарши курашишнинг фаол иштирокчисига айлантириш йўлида муҳим қадам бўлди [15; 16].

Маданий жиҳатдан Ўзбекистон шароитида коррупцияга қарши курашишнинг муҳим таянчларидан бири — ҳалоллик, адолат, ор-номус, эл олдида юзни сақлаш,



жамоа олдида ҳисобдорлик каби қадриятлардир. Давлат хизматида ҳалоллик стандарти ва манфаатлар тўқнашувини ҳал этиш стандартларини жорий этишга қаратилган чоралар айнан шу қадриятларни институционал муҳитга олиб киришга қаратилган [18]. Давлат фуқаролик хизматчилари одоб-ахлоқининг намунавий қоидалари эса хизмат одоби, хулқ-атвор маданияти ва хизматдан ташқари вақтда ҳам ахлоқий меъёрларга риоя қилиш зарурлигини белгилайди [17].

Ўзбекистоннинг ўзига хос институционал хусусияти сифатида маҳалла институти коррупцияга қарши профилактика, ижтимоий назорат ва жамоавий муносабатни шакллантиришда катта аҳамиятга эга. Агар маҳаллий қарорлар очик муҳокама қилинса, аҳолига тушунтирилса ва маҳалла даражасида жамоатчилик назорати йўлга қўйилса, «коррупция — оддий восита» деган тасаввур кучсизланади. Бу эса Аббинк ва ҳаммуаллифлар қайд этган тавсифий ижтимоий нормалар таъсирини сусайтиришга ёрдам беради [4].

Шу нуқтаи назардан, маҳаллий бошқарувда антикоррупцион сиёсат тарғибот билан чекланмаслиги, балки хизмат кўрсатиш стандартлари, очик ҳисобот, жамоатчилик эшитувлари, фуқаролар мурожаатларининг мазмунан ҳал этилиши ва шаффоф навбат тизимлари орқали кундалик бошқарув амалиётига айлантирилиши лозим. Маданий қадриятлар қонуннинг ўрнини босмайди, аммо қонуннинг самарали ишлаши учун ижтимоий таянч вазифасини бажаради.

Иқтисодий нуқтаи назардан коррупция маҳаллий даражада транзакция харажатларини оширади, ресурслардан фойдаланиш самарадорлигини пасайтиради ва инвесторлар учун ноаниқликни кучайтиради. Грюндлер ва Потрафке коррупциянинг иқтисодий ўсишга салбий таъсирини янги эмпирик маълумотлар асосида кўрсатган [7]. Нгуен ва ҳаммуаллифлар эса маҳаллий бошқарув сифати ва хизмат самарадорлиги коррупция даражаси билан бевосита боғлиқ эканини аниқлаган [8].

Шунинг учун маҳаллий иқтисодий муносабатларда коррупцияга қарши курашишнинг асосий иқтисодий вазифаси — ихтиёрийликни камайтириш, қарор мезонларини аниқ белгилаш ва барча иштирокчилар учун тенг ахборот муҳитини яратишдир. Ер ажратиш, давлат харидлари, субсидиялар, қурилишга рухсат бериш ва ижтимоий ёрдам масалаларида қарор қабул қилиш мезонлари очик бўлса, норасмий келишувлар учун майдон қисқаради.

Рақамли шаффофлик ҳам иқтисодий самарадорликка хизмат қилади. Электрон реестрлар, очик бюджет маълумотлари, тендер натижалари, лойиҳа танлаш мезонлари ва қарорларнинг асослантирувчи қисмини оммага эълон қилиш маҳаллий бозор иштирокчилари учун ишончли сигнал бўлади. Натижада тадбиркорлик муҳити соғломлашади, ресурслар самарали тақсимланади ва худуднинг инвестиция жозибадорлиги ортади.

Расм 1. Маҳаллий бошқарувда коррупцияга қарши курашишнинг интеграл модели



Манба: муаллиф ишланмаси, [1]-[6], [9]-[18] асосида.

Юқоридаги назарий ва амалий хулосалардан келиб чиқиб, Ўзбекистон шароитида маҳаллий бошқарувнинг коррупцияга қарши курашиш тизимини такомиллаштириш бўйича қуйидаги аниқ таклифлар ишлаб чиқилди.

Биринчидан, ҳар бир туман ва шаҳарда коррупциявий хавфлар харитаси жорий этилиши керак. Унда ер ажратиш, қурилишга рухсат бериш, давлат харидлари, ижтимоий ёрдам, субсидия ва лицензиялаш соҳаларидаги хавф нуқталари, масъул шахслар, қарор қабул қилиш мезонлари ва текширув излари аниқ кўрсатилиши лозим. Бу ҳуқуқий талабларни амалиётга айлантириш ва профилактик назоратни кучайтиришга хизмат қилади [9; 10; 16].

Иккинчидан, манфаатлар тўқнашувини маҳаллий даражада мажбурий электрон декларация қилиш механизмини жорий этиш зарур. Ҳокимликлар, тендер комиссиялари, ер ва инвестиция масалалари бўйича ишчи гуруҳлар аъзолари ҳар бир муҳим қарор олдидан шахсий манфаатдорлик мавжуд ёки йўқлиги ҳақида маълумот тақдим этиши керак. Бу 2024 йилги қонуннинг мазмунини амалиётда ишловчи механизмга айлантиради [11].

Учинчидан, «очиқ қарор» стандартини жорий қилиш лозим. Маҳаллий бюджет, ер, харид ва инвестицияга оид ҳар бир муҳим қарор учун қарор лойиҳаси, танлаш мезонлари, ҳуқуқий асос, овоз бериш натижаси, ижро муддати ва масъул шахс ягона электрон форматда эълон қилиниши керак. Бу очиқлик ва жамоатчилик назоратини реал инструментга айлантиради [12; 13; 15].

Тўртинчидан, маҳалла ва жамоатчилик назоратини формал институт сифатида мустаҳкамлаш керак. Хавфи юқори соҳалар бўйича очиқ эшитувлар ўтказиш,



уларнинг натижаларини маҳаллий Кенгаш сессияларида муҳокама қилиш ва жамоатчилик фикрини қарорлар қабул қилиш жараёнига киритиш амалиёти йўлга қўйилиши зарур [13; 16].

Бешинчидан, маҳаллий давлат хизматчилари учун ҳалоллик, хизмат одоби ва манфаатлар тўқнашувини бошқариш бўйича доимий амалий ўқув дастурлари ишлаб чиқилиши мақсадга мувофиқ. Ушбу дастурлар оддий маърузалар эмас, балки кейслар, вазиятли машқлар ва маҳаллий ҳаётда учрайдиган дилеммалар асосида ташкил этилиши лозим [1; 4; 17; 18].

Олтинчидан, ҳудудий ҳалоллик индекси жорий этилиши мумкин. Унда очиқлик, жамоатчилик иштирокининг ҳақиқий даражаси, манфаатлар тўқнашувини олдини олиш ҳолатлари, давлат харидлари тозалиги, мурожаатларни ҳал этиш сифати ва қарорларнинг шаффофлиги каби кўрсаткичлар баҳоланади. Бундай индекс маҳаллий раҳбарлар фаолиятини натижага йўналтирилган тарзда баҳолаш имконини беради [7; 8].

Хулоса қилиб айтганда, маҳаллий бошқарувда коррупцияга қарши курашиш тизимини самарали йўлга қўйиш учун ҳуқуқий, иқтисодий ва маданий омилларни бир бутун тизим сифатида қараш зарур. Ўзбекистонда ҳуқуқий база анча шаклланган бўлса-да, унинг самараси кўп жиҳатдан маҳаллий қарор қабул қилиш амалиётига, очиқлик даражасига, жамоатчилик иштирокининг ҳақиқийлигига ва хизмат маданиятига боғлиқ.

Халқаро адабиётлар коррупцияга қарши курашишда фақат жазо ёки назоратнинг ўзи етарли эмаслигини, ижтимоий нормалар ва жамоавий қутилишлар ҳам ҳал қилувчи аҳамиятга эга эканини кўрсатади [1–6]. Ўзбекистон шароитида эса маҳалла институти, ҳалоллик қадрияти, давлат хизмати одоби ва очиқлик қонунчилиги ушбу ёндашувни миллий заминга мослаштириш учун муҳим имконият беради.

Шу сабабли маҳаллий бошқарувни такомиллаштиришда коррупцияга қарши курашиш алоҳида ёрдамчи функция сифатида эмас, балки ҳудудларни иқтисодий ривожлантиришнинг асосий институтчионал шарт сифатида қабул қилиниши керак. Мазкур мақолада таклиф этилган чоралар маҳаллий даражада адолат, шаффофлик, рақобат ва ишонч муҳитини кучайтириш орқали барқарор иқтисодий ўсишга хизмат қилиши мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Хаук Е., Саэс-Марти М. On the Cultural Transmission of Corruption // Journal of Economic Theory. 2002. Т. 107. № 2. Б. 311-335.
2. Барр А., Сеппа Д. Corruption and Culture: An Experimental Analysis // Journal of Public Economics. 2010. Т. 94. № 11-12. Б. 862-869.



3. Фисман Р., Мигел Э. Corruption, Norms, and Legal Enforcement: Evidence from Diplomatic Parking Tickets // *Journal of Political Economy*. 2007. Т. 115. № 6. Б. 1020-1048.
4. Аббинк К., Фрайдин Э., Гангадхаран Л., Моро Р. The Effect of Social Norms on Bribe Offers // *Journal of Law, Economics, and Organization*. 2018. Т. 34. № 3. Б. 457-474.
5. Симпсер А. The Culture of Corruption across Generations: An Empirical Study of Bribery Attitudes and Behavior // *The Journal of Politics*. 2020. Т. 82. № 4. Б. 1373-1389.
6. Куббе И., Баэс-Камарго К., Шарбатке-Черч Ч. Corruption and Social Norms: A New Arrow in the Quiver // *Annual Review of Political Science*. 2024. Т. 27. Б. 423-444.
7. Грюндлер К., Потрафке Н. Corruption and Economic Growth: New Empirical Evidence // *European Journal of Political Economy*. 2019. Т. 60. Арт. 101810.
8. Нгуен Т. В., Бах Т. Н., Ле Т. К., Ле К. К. Local Governance, Corruption, and Public Service Quality: Evidence from a National Survey in Vietnam // *International Journal of Public Sector Management*. 2017. Т. 30. № 2. Б. 137-153.
9. Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида. ЎРҚ-419-сон, 2017 йил 3 январь.
10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. Коррупцияга қарши мурасасиз муносабатда бўлиш муҳитини яратиш, давлат ва жамият бошқарувида коррупциявий омилларни кескин камайтириш ва бунда жамоатчилик иштирокини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида. ПФ-6257-сон, 2021 йил 6 июль.
11. Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. Манфаатлар тўқнашуви тўғрисида. ЎРҚ-931-сон, 2024 йил 5 июнь.
12. Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида. ЎРҚ-369-сон, 2014 йил 5 май.
13. Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. Жамоатчилик назорати тўғрисида. ЎРҚ-474-сон, 2018 йил 12 апрель.
14. Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. Давлат харидлари тўғрисида. ЎРҚ-684-сон, 2021 йил 22 апрель.
15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. Ўзбекистон Республикасида маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органлари фаолиятини 2030 йилга қадар ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида. ПФ-98-сон, 2025 йил 23 июнь.
16. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг Қарори. Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари учун коррупцияга қарши курашишга оид услубий тавсияларни тасдиқлаш тўғрисида. КҚ-174-V-сон, 2025 йил 6 май.



17. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори. Давлат фуқаролик хизматчилари одоб-ахлоқининг намунавий қоидалари тўғрисида. 595-сон, 2022 йил 14 октябрь.

18. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. Давлат хизматида ҳалоллик стандарти ва манфаатлар тўқнашувини ҳал этиш стандартларини жорий этишга кўмаклашиш чоралари тўғрисида. ПФ-6013-сон, 2020 йил 29 июнь.